

## IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

### 1-БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 493,7 трлн сўм ўзлаштирилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 127,6 % ни ташкил этди.

#### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръати (2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун)



Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткичлар ва ўсиш суръатлари кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келиб, 2023 йилга нисбатан 166,2 % ни ташкил этди.

### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)




**Асосий капиталга инвестициялар** – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради.

Сўнгги беш йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли 2,3 мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

### Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, трлн сўм)



Сўнги беш йил ичида ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, улар ўсиб бориш тенденциясига эга: 2021-2022 йилларда 102,9-100,2 % ўсиш кузатилган бўлса, сўнги икки йилда юқори ўсиш суръатлари – 123,4 ва 127,6 % кузатилмоқда.

### Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, % да)




Асосий капиталга инвестицияларнинг таркибида 75,9 % ёки 374,7 трлн сўм инвестициялар жалб қилинган маблағлар (Республика бюджети, мақсадли жамғармалар, хорижий инвестиция ва кредитлар, маҳалий банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари) ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 24,1 % ёки 119,0 трлн сўм молиялаштирилди.

### Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш

манбалари бўйича тақсимланиши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича инвестиция статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 3 761 та йирик корхона ва 2 666 та кичик бизнес субъектлари томонидан ҳисоботлар қабул қилинди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2023 йилга нисбатан 3,5 % пунктга камайиб, 10,5 % ни ёки 51,9 трлн сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 441,8 трлн сўм ёки жами инвестицияларнинг 89,5 % и ўзлаштирилиб, 2023 йилга нисбатан 3,5 % пунктга кўпайди.

**Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан  
асосий капиталга инвестициялар таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



Статистик таҳлилни ўтказиш мақсадларида асосий капиталга инвестициялар қуйидаги асосий кесимларда шаклланади: қўйилма турлари, технологик, такрор ишлаб чиқариш таркиблари, иқтисодий фаолият турлари, молиялаштириш манбалари бўйича.

Охирги 5 йилга назар ташласак, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилаётган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши камайиб бораётганини кўриш мумкин.

**Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга  
инвестицияларнинг улушлари динамикаси**  
(январь-декабрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 23,6 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, 2023 йилга нисбатан 97,4 % ни ташкил этди. Уларнинг жами ҳажмидаги улуши 4,8 % даражасида қайд этилди.

**Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳаларига қуйидагиларни келтириш мумкин**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

Қашқадарё вилоятида Толимаржон иссиқлик электр станциясини умумий қуввати 900 МВт дан кам бўлмаган навбатдаги икки дона буғ-газ қурилмасини қуриш билан кенгайтириш



Навоий вилоятида Навоий иссиқлик электр станциясида электр энергияси 600 МВт ва иссиқлик энергияси 200 ГКал қувватли учинчи буғ-газ қурилмасини қуриш



Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш



Тошкент шаҳрида олимпия шаҳарчасини барпо этиш



Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3,6 трлн сўмни (доллар эквивалентида 280,6 млн АҚШ доллари) ва жами инвестициялардаги улуши 0,7 % ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича Республика бюджетидан молиялаштириладиган инфраструктура, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 22,8 трлн сўмни ёки жами инвестицияларнинг 4,6 % ини ташкил этди. Шунингдек, Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан инвестициялар ҳажми 1,9 трлн сўмни ёки жами инвестициялар 0,4 % ини ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

01

Тошкент вилоятида тоғ-кон махсус техникаларини сотиб олиш

Тошкент вилоятида қуюв прокатлаш мажмуасини қуришни ташкил этиш

02

Асосий капиталга инвестицияларнинг статистик ҳисоби, қўшимча қиймат солиғини қўшган ҳолда, ҳисобот даврида амалдаги нархларда, тўлов амалга оширилган пайтдан қатъий назар, ҳақиқатда ўзлаштирилган ҳажм миқдорида амалга оширилади.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари таркибида энг катта улуш кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳиссасига тўғри келиб, улар ҳисобидан 159,6 трлн сўм ёки улуши 32,3 % га тенг инвестициялар ўзлаштирилди.

### Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар таркиби


(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг улуши охириги 5 йилда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2020 йилдаги 80,1 % улушдан 2024 йил январь-декабрига келиб 89,5 % га етди.

### Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улушлари динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, % да)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар – 87,0 трлн сўм ёки жами инвестицияларнинг 17,6 % ини ташкил этди.

Бевосита тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялардан Ўзбекистон Республикаси бўйича 150,5 трлн сўм, ёки жами инвестициялардаги улуши 30,5 % га тенг инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми тўғридан-тўғри, кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан инвестицияларга тўғри келиб, уларнинг улуши 62,8 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга хорижий инвестициялар таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



**Тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобидан қуйидаги йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)


- 1 Бухоро вилоятида МТО (methanol to olefin) технологияси асосида газ-кимё мажмуасини қуриши
- 2 Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини қуриши
- 3 Тошкент вилоятида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриши
- 4 Қорақалпоғистон Республикасида Тебинбулоқ темир руда конини ишлаб чиқиши ва металлургия мажмуасини қуриши (1-босқич)
- 5 Бухоро вилоятида қуввати 500 МВт бўлган қуёш электр станциясини қуриши
- 6 Бухоро вилояти Ғиждувон туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриши
- 7 Қашқадарё вилоятида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриши
- 8 Бухоро вилояти Пешку туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриши

Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган 12,7 трлн сўм (жами асосий капиталга инвестицияларнинг 2,6 % и) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Аҳоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 6,5 % и ёки 32,0 трлн сўм ўзлаштирилди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан асосан уй-жойлар қуриш соҳасида инвестиция фаолияти амалга оширилган.

Асосий капиталга инвестициялар **иқтисодий фаолият турлари бўйича** амалдаги фаолият турлари таснифлагичи ИФУТ-2 га асосан тақсимланади.


**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркибининг ҳажми ва улуши**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)





Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилмоқда. Амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари натижасида ушбу иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 144,6 трлн сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 29,3 % и ўзлаштирилди.

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркибининг ҳажми ва улуши (давоми)**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Соғлиқни сақлаш ва таълим фаолиятларида мос равишда 12,9 трлн сўм (жами инвестицияларнинг 2,6 % и) ва 6,5 трлн сўм (1,3 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Ижтимоий соҳадаги энг муҳим фаолиятлардан бири бу турар-жой қурилиши ҳисобланади. Ушбу фаолият тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 38,0 трлн сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 7,7 % ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар 32,5 трлн сўм ёки ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 6,6 % ини ташкил этди.

Электр ва газ билан таъминлаш фаолияти тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 68,5 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, улар умумий ҳажмининг 13,9 % ини ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида жами 63,5 трлн сўм ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 12,9 % и ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибидан 5,4 % и ёки 26,6 трлн сўми хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш соҳасига тегишлидир.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳудудий таркибида энг юқори кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида – ҳудуддаги жами инвестицияларнинг – 8,3 % ини, Самарқанд вилояти – 8,1 % ва Сирдарё вилоятида – 7,6 % миқдорида кузатилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга инвестициялар ҳажми  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Жами инвестициялар, млрд сўм	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, % да)						
		Республика бюджети	корхона ва ташкилотлар маблағи	аҳоли маблағи	хорижий инвестиция ва кредитлар	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Тиклиши ва тараққийёт жамғармаси	тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари
<b>Ўзбекистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>493 652,0</b>	<b>4,6</b>	<b>17,6</b>	<b>6,5</b>	<b>67,6</b>	<b>0,4</b>	<b>0,7</b>	<b>2,6</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	20 530,9	6,6	12,9	7,2	70,0	0,4	-	2,9
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	28 132,2	4,3	10,5	7,5	75,5	0,3	0,5	1,4
Бухоро	48 961,2	2,2	7,8	6,4	82,5	0,1	-	1,0
Жиззах	23 058,6	6,0	11,6	3,9	76,2	0,7	-	1,6
Қашқадарё	32 996,9	6,4	9,9	8,3	72,4	0,1	2,0	0,9
Навоий	34 024,5	1,8	9,7	6,4	81,1	-	-	1,0
Наманган	53 340,5	1,9	9,4	5,5	82,4	-	-	0,8
Самарқанд	29 652,5	8,1	30,5	4,8	50,8	-	2,8	3,0
Сурхондарё	15 277,5	8,3	6,9	14,5	66,0	1,9	0,3	2,1
Сирдарё	10 942,8	7,6	13,9	3,1	72,3	1,0	-	2,1
Тошкент	70 529,8	3,7	40,2	6,5	45,5	0,4	1,9	2,5
Фарғона	22 383,5	6,5	18,1	11,7	56,8	2,2	0,1	4,6
Хоразм	14 795,3	6,0	13,2	18,9	59,4	1,0	-	1,5
Тошкент ш.	88330,6	4,7	40,2	2,9	45,5	0,4	0,7	6,1

Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳрида кузатилиб, бу ҳудудда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 40,2 % ини ташкил этди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида 30,5 % ва Фарғона вилоятида 18,1 % ни ташкил этди.

<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшиган ҳолда.

Жалб қилинган молиялаштириш манбалари таркибида хорижий инвестиция ва кредитлар алоҳида ўринга эга. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Бухоро – 82,5 %, Наманган – 82,4 % ва Навоий – 81,1 % вилоятларида кузатилди.

Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича ўтган йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати 257,0 % ни ташкил этиб, Наманган вилоятида кузатилди. Ушбу натижани пахтани қайта ишлаш машина ва ускуналарини модернизация қилиш, Поп туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши, замонавий савдо мажмуаси ва бизнес марказини ташкил этиш каби йирик инвестиция лойиҳаларига инвестицияларни ўзлаштириш билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида ҳам юқори ўсиш суръати кузатилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 145,2 % ни ташкил қилди. Бу худуднинг Нишон туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши, қуввати 400 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши каби йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

### Худудлар кесимида асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажм ва ўсиш суръати

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	Ўсиш суръати, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>493 652,0</b>	<b>127,6</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	20 530,9	145,6
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	28 132,2	136,9
Бухоро	48 961,2	145,1
Жиззах	23 058,6	141,5
Қашқадарё	32 996,9	145,2
Навоий	34 024,5	117,4
Наманган	53 340,5	257,0
Самарқанд	29 652,5	108,1
Сурхондарё	15 277,5	79,3
Сирдарё	10 942,8	64,3
Тошкент	70 529,8	133,2
Фарғона	22 383,5	104,8
Хоразм	14 795,3	114,7
Тошкент ш.	88 330,6	114,8

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

Жиззах вилоятида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 2023 йилга нисбатан 41,5 % га ўсиши, авваламбор автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2 босқич) ва қуввати 550 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши билан боғлиқ.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 59,8 % и республиканинг беш худудиди, жумладан, Тошкент шаҳрида – 17,9 %, Тошкент вилоятида – 14,3 %, Бухоро вилоятида – 9,9 %, Наманган вилоятида – 10,8 % ҳамда Навоий вилоятида – 6,9 % инвестициялар ўзлаштирилди.


2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида –31 359,0 минг сўм (ёки 2023 йилга нисбатан таққослаганда – 115,3 %), Тошкент шаҳрида – 28 708,6 минг сўм (ёки 111,8 %) ва Бухоро вилоятида – 23 761,8 минг сўм (ёки 142,8 %) миқдорида қайд этилди.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга инвестициялар**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, минг сўм	Ўсиш суръати, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>13 280,4</b>	<b>125,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	10 183,0	143,7
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	8 207,3	134,1
Бухоро	23 761,8	142,8
Жиззах	15 145,2	138,6
Қашқадарё	9 165,8	142,0
Навоий	31 359,0	115,3
Наманган	17 212,7	251,4
Самарқанд	6 972,1	105,9
Сурхондарё	5 247,6	77,4
Сирдарё	11 863,4	63,2
Тошкент	22 898,5	130,8
Фарғона	5 455,3	102,7
Хоразм	7 346,2	112,6
Тошкент ш.	28 708,6	111,8

Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида машина, ускуна ва инвентарларга 231,4 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 46,9 % ини ташкил этди, қурилиш-монтаж ишлари бўйича 212,8 трлн сўм (жами инвестициялардаги улуши 43,1 %) ва бошқа харажатларга 49,5 трлн сўм (10,0 %) ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)




Худудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Хоразм вилоятида кузатилди – 70,1 % ёки 10,4 трлн сўм. Қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг қуйи даража эса Бухоро вилоятида кузатилиб, 34,5 % ни ёки 16,9 трлн сўмни ташкил этди.

Жиззах вилоятида машина, ускуналар ва инвентарларга харажатлар бўйича энг юқори кўрсаткич – 56,9 % ёки 13,1 трлн сўмни ташкил этди.


Қурилиш-монтаж ишларига инвестициялар улушини 2020 йил билан солиштирсак, жорий даврда бир оз камайганини, яъни 43,4 % дан 43,1 % га, машина, ускуна ва инвентарга инвестициялар улуши 49,5 % дан 46,9 % га тушганини кўриш мумкин.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби динамикаси**  
(январь-декабрь ойлари учун, % да)



Жорий ҳисобот даврида янги қурилишга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар 309,0 трлн сўмга етди ҳамда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 62,6 % ини ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция ва модернизацияга инвестициялар улуши бўйича юқори натижалар Андижон вилоятида – 41,2 % (11,6 трлн сўм), Қашқадарё вилоятида – 38,6 % (12,7 трлн сўм), ва Қорақалпоғистон Республикасида – 32,0 % (6,6 трлн сўм) кузатилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Жами асосий капиталга инвестициялар, трлн сўм	Жамига нисбатан % да:		
		янги қурилиш	кенгайтириш, реконструкция, модернизация	бошқа йўналишлар
<b>Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup></b>	<b>493,7</b>	<b>62,6</b>	<b>23,3</b>	<b>14,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	20,5	59,1	32,0	8,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	28,1	53,1	41,2	5,7
Бухоро	49,0	72,8	20,9	6,3
Жиззах	23,1	65,8	17,6	16,6
Қашқадарё	33,0	53,4	38,6	8,0
Навоий	34,0	70,8	21,7	7,5
Наманган	53,3	75,0	15,8	9,2
Самарқанд	29,7	40,8	30,2	29,0
Сурхондарё	15,3	73,8	19,4	6,8
Сирдарё	10,9	69,3	15,9	14,8
Тошкент	70,5	72,8	16,1	11,1
Фарғона	22,4	63,7	25,2	11,1
Хоразм	14,8	69,7	14,7	15,6
Тошкент ш.	88,3	47,4	23,9	28,7

<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

Иқтисодиётда мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтирилган инвестициялар 115,1 трлн сўмни ташкил этди ва республикадаги жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 23,3 % ини ташкил этди. Қолган 14,1 %, яъни 69,6 трлн сўм бошқа харажатларга йўналтирилди.

Янги қурилишга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши бўйича юқори кўрсаткич, қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ва қуввати 334 МВт бўлган электр энергиясини жамловчи тизим қурилиши, “Ёшлик” конини ўзлаштириш лойиҳалари бўйича ўзлаштирилган инвестициялар натижасида Тошкент вилоятида кузатилиб, у 62,6 % ни ташкил этди.

## 2-БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА КРЕДИТЛАР

2024 йил январь-декабрь ойларида жами 34,9 млрд доллар хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган бўлса, улардан янги асосий фондларни яратишга қаратилган асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар 26,4 млрд доллар ёки 333,8 трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 52,1 % га ўсди.


Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 67,6 % ни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан жорий даврда 310,2 трлн сўм ўзлаштирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида 23,6 трлн сўм хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитларнинг жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши мос равишда 92,9 % ва 7,1 % ни ташкил этди.

Ўз навбатида, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 150,5 трлн сўм ёки жамига нисбатан 45,1 % ни, бошқа инвестиция ва кафолатланмаган хорижий кредитлар 159,6 трлн сўмни ёки жамига нисбатан 47,8 % ни ташкил этди.


### Хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь ойларида, % да)





Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 173,1 трлн сўмни ёки жамига нисбатан 51,9 % ни ва мос равишда хорижий кредитлар 160,7 трлн сўмни ёки 48,9 % ни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



Худудлар кесимида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар энг кўп ўзлаштириш Бухоро вилоятида 23,0 трлн сўм, Тошкент вилоятида ва Тошкент шаҳрида 18,6 трлн сўм ҳамда Наманган вилоятида 17,9 трлн сўм қайд этилди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Жами, трлн сўм	Шу жумладан:		
		тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Ўз.Р. кафолати остида хорижий кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>333,8</b>	<b>150,5</b>	<b>23,6</b>	<b>159,7</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	14,4	2,2	1,2	11,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	21,2	11,5	0,4	9,3
Бухоро	40,4	23,0	2,2	15,2
Жиззах	17,6	10,9	0,5	6,2
Қашқадарё	23,9	7,2	3,9	12,8
Навоий	27,6	11,0	2,5	14,1
Наманган	44,0	17,9	0,6	25,5
Самарқанд	15,1	6,4	1,3	7,4
Сурхондарё	10,1	5,8	0,9	3,4
Сирдарё	7,9	5,9	0,1	1,9
Тошкент	50,0	18,6	2,3	29,1
Фарғона	12,7	9,1	0,3	3,3
Хоразм	8,8	2,2	0,5	6,1
Тошкент ш.	40,2	18,6	7,0	14,6



2024 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш саноатида хорижий инвестиция ва кредитлар салмоқли ўзлаштирилиб, 119,2 трлн сўмни ёки жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 35,7 % ини ташкил этди.

Электр ва газ билан таъминлаш фаолият турида бу кўрсаткич 65,0 трлн сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 19,5 % ини қайд этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, жамига нисбатан улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)




### 3-БЎЛИМ. ИЖТИМОЙ СОҶА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 14 844,2 минг кв.м турар жой ишга туширилиб, 2023 йилга нисбатан 100,6 % ни ташкил этди.


Кўриб чиқилаётган даврда турар жой қурилишида жами 25 044,2 млрд сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, республика бюджети маблағлари ҳисобидан 138,8 млрд сўм, корхоналарнинг ўз маблағлари – 81,1 млрд сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 23 553,9 млрд сўм ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 270,4 млрд сўмни ташкил этди.

**Фойдаланишга топширилган турар-жой қурилиш майдони**  
(январь-декабрь ойлари учун, минг кв. м)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 1 418,8 км сув тармоғи ишга туширилди. Таъкидлаш жоизки, ишга туширилган сув тармоқларининг 70,8 % и ёки 1 004,6 км қишлоқ жойларда жойлашган.

**Ишга туширилган сув тармоқлари узунлиги**  
(январь-декабрь ойлари учун, км)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 25,3 км, шу жумладан 9,0 км қишлоқ жойларда узунликдаги газ тармоғи ишга туширилди.

**Ишга туширилган газ тармоқлари узунлиги**  
(январь-декабрь ойлари учун, км)



Сув тармоғи қурилишида жами 1 041,8 млрд сўм, газ тармоқлари қурилишида 894,6 млн сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Худудлар кесимида энг кўп хонадон Наманган вилоятида 9 480 та, Тошкент вилоятида 7 079 та ва Сурхондарё вилоятида 6 088 та ишга туширилди.

### Ишга туширилган турар-жойлар

(2024 йил январь-декабрь ойларида)

	Хонадонлар сони, бирлик	Майдони, минг кв.м
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>66 739</b>	<b>14 844,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	4 684	864,9
вилоятлар:		
Андижон	5 326	1 309,6
Бухоро	5 416	1 475,0
Жиззах	1 987	491,6
Қашқадарё	4 523	1 064,3
Навоий	2 044	694,7
Наманган	9 480	1 466,5
Самарқанд	3 361	408,1
Сурхондарё	6 088	1 278,5
Сирдарё	574	132,5
Тошкент	7 079	1 924,4
Фарғона	5 593	1 530,9
Хоразм	4 515	1 303,8
Тошкент ш.	5 587	863,5

### 4- БЎЛИМ. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

(Норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшиган ҳолда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 233,8 трлн сўм қурилиш ишлари бажарилиб, 2023 йилга нисбатан 8,8 % га ўсди.

### Қурилиш ишларининг ҳажми динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, трлн сўм)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:


- бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 71,7 % улушни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 105,5 % ни ташкил этди;

- фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 19,3 % улушни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 124,7 % ни ташкил этди;

- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 9,0 % улушни ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 106,4 % ни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари таркиби


(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, ҳажми ва улуши)



Амалдаги статистик кузатув шаклларида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (маҳсулот, иш, хизмат) статистик таснифлагичи (МСТ)”га мувофиқ “Қурилиш” фаолияти тури бўйича ўз кучи билан амалга оширилган ишлар ҳажми” кўрсаткичи қўлланилади.

2024 йил январь-декабрь ойларида бажарилган қурилиш ишларининг катта қисми янги бино ва иншоотларни қуришга тегишли. Жами қурилиш ишларининг 75,6 % и ёки 176,8 трлн сўм қурилиш ишлари айнан иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жой ва бошқа ижтимоий объектларни яратишга қаратилган.

Умумий ҳажмдан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш,  
техник қайта қурулантириш ишлари улуши  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари бўйича юқори ҳажм, Тошкент шаҳри (40 338,5 млрд сўм), Тошкент вилояти (15 748,2 млрд сўм), Бухоро вилояти (12 555,1 млрд сўм) ва Фарғона вилоятида (12 254,5 млрд сўм) қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қурулантириш, млрд сўмда	Жами ҳажмдаги улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	176 841,3	75,6
Қорақалпоғистон Республикаси	6 871,4	80,3
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	8 809,5	72,5
Бухоро	12 555,1	76,0
Жиззах	5 017,9	79,9
Қашқадарё	10 646,3	70,5
Навоий	9 770,0	81,8
Наманган	10 036,0	78,7
Самарқанд	11 310,7	80,7
Сурхондарё	9 269,3	76,9
Сирдарё	3 513,6	69,7
Тошкент	15 748,2	65,2
Фарғона	12 254,5	77,6
Хоразм	9 523,8	89,4
Тошкент ш.	40 338,5	70,0

<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшиган ҳолда.

**Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, улуши % да)



Бино ва иншоотларни қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Наманган вилояти (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 80,7 % и), Хоразм вилояти (78,7 %) ва Жиззах вилояти (78,3 %) да кузатилди.

**Ҳудудлар кесимида бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Бино ва иншоотлар қурилиши, млрд сўмда	Улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	167 575,0	71,7
Қорақалпоғистон Республикаси	6 443,3	75,3
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	8 877,6	73,1
Бухоро	11 033,7	66,8
Жиззах	4 915,1	78,3
Қашқадарё	11 192,2	74,1
Навоий	9 223,0	77,2
Наманган	10 286,4	80,7
Самарқанд	5 995,5	42,8
Сурхондарё	9 217,6	76,5
Сирдарё	3 444,8	68,3
Тошкент	17 127,2	70,9
Фарғона	11 914,1	75,4
Хоразм	8 388,3	78,7
Тошкент ш.	38 339,7	66,5

<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

### Фуқаролик объектлари қурилиши

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 35,4 % ни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 11,6 % пунктга кўпайди. Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равишда 64,5 % ни (11,6 % пунктга камайди) ташкил этди.

Фуқаролик объектларини қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Самарқанд вилояти (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 53,1 % и), Сирдарё вилояти (26,3 %) ва Бухоро вилояти (23,8 %) да кузатилди.


### Ҳудудлар кесимида фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Фуқаролик объектлари қурилиши, млрд сўм	Улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>45 124,7</b>	<b>19,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 667,7	19,5
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2 386,3	19,6
Бухоро	3 927,0	23,8
Жиззах	971,1	15,5
Қашқадарё	1 968,8	13,0
Навоий	2 083,4	17,5
Наманган	1 087,9	8,5
Самарқанд	7 448,7	53,1
Сурхондарё	2 175,2	18,0
Сирдарё	1 328,0	26,3
Тошкент	4 196,0	17,4
Фарғона	3 128,2	19,8
Хоразм	1 937,5	18,2
Тошкент ш.	10 818,9	18,8

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари сайқаллаш, сувоқчилик, бўёқчилик ишлари, поллар ва деворларни плитка билан қоплаш ёки паркет, ковролан, гулқоғозлар билан қоплаш, шунингдек, полларни циклёвкалаш, дурадгорлик ишлари, овоз изоляциялаш ишлари, ташқи ҳудудларни тозалаш каби безатишга алоқадор ишларни ўз ичига олади.

**Ихтисослашган қурилиш ишлари таркиби**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да)



Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуғи Тошкент шаҳрида (худудда бажарилган қурилиш ишларининг 14,7 % и), Қашқадарё вилояти (12,9 %) ва Тошкент вилоятида (11,7 %) кузатилди.

**Худудлар кесимида ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ва жами худуддаги улуғи**


(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари, млрд сўм	Улуғи, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>21 133,2</b>	<b>9,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	442,2	5,2
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	888,2	7,3
Бухоро	1 553,8	9,4
Жиззах	393,2	6,2
Қашқадарё	1 938,9	12,9
Навоий	637,6	5,3
Наманган	1 381,2	10,8
Самарқанд	572,9	4,1
Сурхондарё	665,8	5,5
Сирдарё	270,2	5,4
Тошкент	2 820,7	11,7
Фарғона	752,3	4,8
Хоразм	331,4	3,1
Тошкент ш.	8 484,8	14,7

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 55 114,0 млрд сўмни ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 119,9 % ни ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуғи 2,1 % га кўпайиб, 23,5 % ни ташкил этди.



**Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, млрд сўмда)



Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Тошкент шаҳрида (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 32,3 % и), Қашқадарё вилоятида (27,0 %) ва Навоий вилоятида (25,3 %) қайд этилди.

**Қурилиш ишлари ҳажмида йирик ташкилотлар ҳажми  
ва жами ҳудуддаги улуши**

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	Улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>55 114,0</b>	<b>23,5</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 200,1	14,0
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	872,7	7,2
Бухоро	2 536,4	15,4
Жиззах	694,6	11,1
Қашқадарё	4 084,3	27,0
Навоий	3 019,0	25,3
Наманган	1 001,3	7,8
Самарқанд	2 257,9	16,1
Сурхондарё	1 142,2	9,5
Сирдарё	770,8	15,3
Тошкент	4 080,4	16,9
Фарғона	2 696,4	17,1
Хоразм	976,7	9,2
Тошкент ш.	18 604,7	32,3

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 46,2 % и тўғри келиб, 2023 йилга нисбатан 1,8 % пунктга камайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 105,6 % ни ташкил этган ҳолда 107 950,1 млрд сўм миқдорда қайд этилди.

Кўриб чиқиладиган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг энг катта улуши Самарқанд (ҳудуддаги жами қурилиш ишларининг 68,3 % и), Сирдарё (62,4 %) ва Жиззах вилоятларига (62,2 %) тўғри келди.

### Қурилиш ишлари ҳажмида кичик корхона ва микрофирмалар ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	Улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>107 950,1</b>	<b>46,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	4 394,1	51,4
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	6 795,2	55,9
Бухоро	7 021,9	42,5
Жиззах	3 908,1	62,2
Қашқадарё	6 163,3	40,8
Навоий	4 154,1	34,8
Наманган	4 681,2	36,7
Самарқанд	9 567,1	68,3
Сурхондарё	6 088,1	50,5
Сирдарё	3 145,1	62,4
Тошкент	9 832,5	40,7
Фарғона	7 596,1	48,1
Хоразм	3 617,4	33,9
Тошкент ш.	30 985,9	53,7

Норасмий секторда қурилиш ишларининг улуши 30,3 % ни ёки 70 768,8 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 106,2 % ни ташкил этди.

Шунингдек, норасмий секторда бажарилган қурилиш ишларининг умумий ҳажмидан 52 616,0 млрд сўми яқка тартибдаги уй-жой қурилишига тўғри келиб, 2023 йилга нисбатан 106,4 % ни ташкил этди.

Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан нотурар-жойлар қурилиши 8 400,0 млрд сўмни ва 2023 йилга нисбатан 102,2 % ни, яқка тартибдаги турар-жойларни таъмирлаш ишлари эса 9 752,6 млрд сўмни ва 108,4 % ни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган даврда норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишларининг ҳудудлар бўйича таркиби таҳлил қилинадиган бўлса, энг катта ҳажми Тошкент вилоятида (10 231,0 млрд сўм ёки ҳудудда бажарилган жами қурилиш ишлари ҳажмининг 42,4 % и), Тошкент шаҳрида (8 052,8 млрд сўм ёки 14,0 %) ва Наманган вилоятида (7 073,0 млрд сўм ёки 55,5 %) қайд этилганлигини кўриш мумкин.


**Қурилиш ишлари ҳажмида норасмий сектор ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	Улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>70 768,8</b>	<b>30,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2 959,0	34,6
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	4 484,2	36,9
Бухоро	6 956,2	42,1
Жиззах	1 676,7	26,7
Қашқадарё	4 852,3	32,2
Навоий	4 770,9	39,9
Наманган	7 073,0	55,5
Самарқанд	2 192,1	15,6
Сурхондарё	4 828,3	40,0
Сирдарё	1 127,1	22,3
Тошкент	10 231,0	42,4
Фарғона	5 502,1	34,8
Хоразм	6 063,1	56,9
Тошкент ш.	8 052,8	14,0

Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 7 703,3 млрд сўм қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 226 129,6 млрд сўм қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг республикадаги улуши мос равишда 3,3 % ва 96,7 % ни ташкил этди.

Давлат мулкчилигидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмида энг юқори улуш Андижон вилоятида (ушбу вилоятдаги қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 7,8 % и), Жиззах вилоятида (5,5 %) ва Қашқадарё вилоятида (4,7 %) қайд этилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари**  
(2024 йил январь-декабрь ойларида, % да)



**Хўжалик усулида** бажарилган ишлар ҳажми қурилиш эгаси томонидан ҳисобот даврида қурилиш ишларига сарфланган харажатларидан келиб чиқиб аниқланади.

**Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари**  
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари, минг сўм	Ўсиш суръати, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>6 290,6</b>	<b>106,6</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	4 242,2	106,0
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	3 545,3	108,8
Бухоро	8 014,8	113,1
Жиззах	4 124,4	105,6
Қашқадарё	4 194,4	109,7
Навоий	11 008,3	111,8
Наманган	4 116,1	110,3
Самарқанд	3 295,8	109,4
Сурхондарё	4 142,0	106,2
Сирдарё	5 467,2	98,4
Тошкент	7 838,7	108,0
Фарғона	3 849,4	106,2
Хоразм	5 291,6	109,3
Тошкент ш.	18 734,9	107,1

Ҳудудлар кесимида 2024 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми бўйича биринчи ўринни Тошкент шаҳри 18 734,9 минг сўм (ёки, 2023 йилга нисбатан 107,1 %) кўрсаткич билан эгаллади, ундан кейинги ўринларни мос равишда Навоий вилояти – 11 008,3 минг сўм (111,8 %), Бухоро вилояти – 8 014,8 минг сўм (113,1 %), Тошкент вилояти – 7 838,7 минг сўм (108,0 %) кўрсаткич билан эгаллади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Номолиявий активларга киритилган инвестициялар бу** – реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга** барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

**Чет эл инвестициялари** – асосан келгусида фойда олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капиталлари.

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бу** – корхонага тўлиқ эгаллик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 % дан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

**Инвесторлар** – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

**Буюртмачилар** – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек, инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса, аралашмасликлари лозим.

**Пудратчи** – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.